



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бош котиби Кубаничбек Омуралиевни қабул қилди.



Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги доирасида биргаликда амалга оширилган ишлар натижалари ва унинг бўлажак саммитига тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди. Утган даврда туркий давлатларнинг кўп томонлама шериклиги янги суръат билан ривожланганини таъкидлаш

жоиз. Ўздан ортиқ тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорлик учун қатор янги майдонлар ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқаро туркий маданият ташкилотининг тула ҳуқуқи аъзоси бўлди. Учрашувда ТДТ доирасида савдо, “яшил” иқтисодиёт, инвестициялар,

инновациялар, транспорт ва логистика, туризм, экология, ёшларга оид сиёсат, туркий халқларнинг маданий ва тарихий меросини оммалаштириш соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗА

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Тошкент шаҳрида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида қатор объектларга таширф буюрди.

Об-ҳаво нуқулликлари ва ҳарорат пасайиши даврида инфратузилма объектларида муаммо келиб чиқишининг олдини олиш, йўлларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу масалалар Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишлардаги ишларнинг бориши ҳамда бунёдкорлик жараёнлари билан танишуви Тошкент халқаро аэропортига олиб борувчи йўл ўтказгичдан бошлади.

Маълумки, бу кўприк Бобур кўчаси бўйлаб Кичик ҳалқа йўли ва темир йўл устидан ўтади. Автомобиллар қатновига қулайликни ошириш мақсадида бу ерда аввалги кўприкка ёндош яна бир эстакада қурилмоқда. У йўлга монолит услубида бўлиб, сифат талабларига мос.

Қурилиш биттач, кўприкнинг эни 46 метрга етади. Бир кеча-кундузда 20 минг транспортни ўтказиш имкониятига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 9-10 минг атрофида эди.

Кўприк ёнида 2 та айлана, 4 та ёйсимон шаклдаги чиқиш-тушиш йўли барпо этилмоқда. Бу қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, бошқа йўллардаги ҳаракатга қўшилишни осонлаштиради. Шунингдек, кўприк устида пиёдалар ва велосипедлар йўлаклари ҳам кенгайтирилди.

Президент бу ердаги қурилиш жараёни билан танишди. Туташ йўлларда ҳам пиёдалар ва автомобиллар ҳаракатига қулайликларни ошириш, атрофни кўкаламзорлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Транспорт инфратузилмасида ҳаво портлари стратегик аҳамиятга эга. Бу соҳада “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамияти тузилиб, аэропортлар босқичма-босқич модернизация қилинмоқда.

Сўнги йилларда Тошкент халқаро аэропортининг 2-терминали янгиланиб, ўтказиш қуввати 2 баробар оширилди. Жорий йил бошида яна бир учиб кетиш зали таъмирланиб, қайта очилди. Унда Duty Free дўконлари, “Арт-базар” савдо мажмуаси, миллий заргарлик ва гастрономия дўконлари, дорихона, она-бола хонаси, намозхона ташкил этилди.

Умуман, уч йиллик реконструкция ишлари натижасида пойтахт аэропортининг жўнаб кетиш терминали майдони 56 минг квадрат метрдан 80 минг квадрат метргача кенгайди.

Айни кунларда яна бир халқаро терминал реконструкция қилинмоқда. Лойиҳага кўра, бинонинг ташки ва ички кўриниши миллий услубда пардозланади, кириш-чиқиш йўлаклари кенгайтирилади. Меҳмонларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун қулайликлар оширилади. Шунингдек, терминалга ёндош ҳудудлар ободонлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва тезкорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мутасаддиларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳа объектларининг куз-қишга тайёргарлик ҳолати бўйича ҳисоботи тингланди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва сифатли яқунлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ НЕЧОҒЛИҚ ЗАРУР?

Дунё микёсида энергияга эҳтиёж соат сайин ошиб бораётир. Қайси давлатнинг қазилма бойликлари кўп ва энергетик салоҳияти юқори бўлса, имкониятлари ҳам кенг бўлади. Жаҳон энергетика тизими, асосан, ер қаърида мавжуд углеводород хомашё ресурсларидан фойдаланиб келади. Бу кўрсаткич айни пайтда дунё энергия истеъмоли кўрсаткичининг 90 фоизини ташкил этади. Лекин углеводород манбалари – нефть, газ, кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмалар захиралари тугаб бориши энергетик хавфни юзага келтиради. Бу хавф эса эҳтиёж янада кескин ошишига олиб келиб, инсониятнинг барқарор ривожига таҳдид солади. Демак, замонавий дунё бу хавф-хатарни реал англомоғи лозим ва шундай бўлапти ҳам.

БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясига доир Париж битими қабул қилинган, унга дунёнинг 193 мамлақати, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо. Бундан кўзланган асосий мақсад атроф-муҳитга ажралиб чиқатган чиқинди ва иссиқхона газларини камайтириш, экология зарарланганининг олдини олишдир.

Шунингдек, Ўзбекистон 2021 йил ноябрь ойида Буюк Британиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган Иқлим

бўйича халқаро саммитда жаҳон ҳам-жамияти олдида 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан иссиқхона газлари улушини 35 фоиз камайтириш ташаббусини билдирди. Мазкур мақсадларга эришиш учун шу давр ичида қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш қувватини қарийб 16 минг мегаваттгача етказиш режалаштирилмоқда.

Давоми 4-бетда

ЯШИЛ МАКОН

КЎЧАТ ШУНЧАКИ УНИБ КЕТАВЕРМАЙДИ

Бунда тупроқ таркиби ҳам катта аҳамиятга эга

Президентимиз раислигида жорий йил 11 октябрь куни туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида икки йил мобайнида 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилгани қайд этилиб, 25 октябрдан 1 декабргача “кузги дарахт экиш мавсуми” дея эълон қилинди. Бу мавсумда 85 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунинг учун масъуллар тупроқ таҳлили ва иқлим шароити асосида кўчат турларини танлаб беришига ургу берилди.

Давоми 5-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЖИПСЛАШАЁТГАН МИЛЛАТ ВА ИЖТИМОЙ МАСЪУЛЛИК

Мазкур мақолани ёзишга ундаган омил куни кеча давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи бўлди. Ушбу вилоят, ҳақиқатан, юртимизда салоҳияти, иқтисодий қуввати, интеллектуал имкониятлари нуқтаи назаридан олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Вилоятда қатор-қатор sanoat корхоналари бунёд этилмоқда, ҳудуд режали равишда индустриал тус олмоқда. Қишлоқ хўжалиги ривожидан сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Халқ фаровонлиги ортиб, қишлоқ, шаҳарларимиз кифоаси тубдан ўзгариб бормоқда. Муҳими, одамларимизнинг ижтимоий кайфияти ўзгармоқда, розилик туйғуси яққол акс этмоқда.



Аммо бундай ютуқлар бугун барча муаммоларимиз ҳал бўлганини англамайди. Инсон манфаатлари, халқимизнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш борасида жиддий ишлар қилиниши кераклиги сезилиб турибди. Бугун жамиятимизни янада ривожлантириш, фуқаролар фаровонлигини,

кишилар ҳақ-ҳуқуқларини амалда таъминлаш бўйича анча жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни

барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдида юксак масъулиятимиз борлигини бутун дунёга эълон қилдик. Демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик гоёларига содиқлигимизни билдирдик.

Давоми 3-бетда

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ



ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ 2

ИЛМ-ФАН



МИЛЛИЙ РАДОНОМЕТРДАН КУЁШ КОМПЛЕКСИГАЧА 5

БУНЁДКОРЛИК

“ЭНДИ ЁҒИНГАРЧИЛИКДАН КЎРҚМАЙМИЗ”

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Тўрткўл туманида яшайдиган 220 мингдан ортиқ аҳоли турмушидаги ўзгаришларни, янгиланиш жараёнларини ҳар бир маҳалла, ҳар бир манзилда учратиш мумкин.

Туманининг Навоий овул фуқаролари йилнинг 3 мингта яқин аҳоли яшайди. Маҳалла драйвери ишлаб чиқариш, ҳорвачилик ва деҳқончиликдир. Бу ерда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликнинг ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги амалий ишлар кўпчиликка далда бўлмоқда.

Умирбек Матчонов қизиқиши ортидан хонадонидаги товўқлар сонини 100 тага етказган. — Ҳар бир одамнинг ҳоббиси бўлади, — дейди У.Матчонов. — Масалан, мен 10 йилдан буён товўқ боқаман. Тухумини бозорга чиқарамиз. Гўштини эса оиламизга ишлатамиз. Байрамларда кам таъминланган кўшнларга ҳам берамиз. Товўқ наслини тез-тез ўзгартирмас, майдалашиб кетиши мумкин. Насл ўзгарса, бақувват, кучли бўлади. Шунинг учун Самарқанд ва Андижон вилоятларидан насл олиб келаман. Бир мавсумда 100 га яқин кўча чиқарамиз. Наслни хўрозларимиз 8-8,5 килограмм тош босади.

Маҳаллада тадбиркорлар жуда кўп. Ишонинг кўзини топган бахтнинг ўзини топади, дейишди. Давр билан ҳамнафас, янги яшашга интилаётган тўртқўлликларнинг ҳаёти ана шундай давом этмоқда.

Худудлари янги қиёфага келтириш, обод ва файзли масканга айлантириш, фуқаролар муаммоларига ечим топиш ва муносиб турмуш шароити яратиш борасида Қорақалпоғистоннинг барча маҳаллаларида тизимли ишлар давом этмоқда. Бундай эзгу ҳаракатларни Эллиқалъа туманининг “Қаватқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кўриш мумкин.

“Қаватқалъа” туманининг энг чекка ва яқин-яқингача муаммоли худудларидан бири эди. Бироқ бугун маҳалладаги бунёдкорлик ишлари ҳудудни туман марказларидан қолшимайдиган обод масканга айлантирмоқда.

Маҳаллада таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ишлари қаторида асосий эътибор аҳолига электор энергияси ва табиий газ етказиб бериш сифатини яхшилашга қаратилган. Совуқ кунларда барқарор таъминот долзарблиги эътиборга олинган ҳолда 70 та янги темир-бетон устун ўрнатилди. Кўчалардаги 20 та яроқсиз таянч олиб ташланди. Абдулла Қаҳқор кўчасига тунги чиқроқлар учун 35 та бетон устун ўрнатилиб, кабелъ тортилди. Худудга табиий газ етказиб берувчи 5,5 километр газ қувури таъмирланди.

Маҳаллада тадбиркорликнинг ҳар қандай турини учратиш мумкин. Бунда ҳоким ёрдамчисининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит олиш ва умуман, овулда ишбилармонликни ривожлантиришда аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Жорий йилнинг 9 ойи давомида 60 га яқин талабгорга оилавий роҳона очиб ҳамда ривожлантириш учун имтиёзли кредит ва субсидия олишга қўмаклашди, — дейди Навоий овул фуқаролар йиғинидаги



ҳоким ёрдамчиси Хурсанд Худийёров. — Шу вақт мобайнида бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилди. Маҳалламиз драйвери хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш бўлгани боис, тикувчилар, хўнамандлар кўпчилиги ташкил этилди. Шундан келиб чиқиб, кўпчилик талабгорларга тикув машинаси ва пиширик печлари олиб берилиб, 52 та янги иш ўрни очилди. 9 ойда 75 маҳалладошимизнинг бандлиги таъминланди.

— Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаганман, — дейди тадбиркор Сардор Аметов. — Талабалик пайтимда ҳам тадбиркорлик, хусусан, ишлаб чиқаришга жуда қизиқар эдим. IT йўналишида ишлаш билан бирга, тадбиркорлик қилишни маъқул кўрдим. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 14 фоизли имтиёзли кредит олиб Хитойдан пайпоқ ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олганмиз. Ҳозир кўнига 250 жуфт пайпоқ ишлаб чиқараямиз. Биринчи навбатда, маҳсулотимизнинг сифати алоҳида эътибор қаратганмиз. Пайпоқ учун илми Тошкент ва Қўқондан оламиз. Албатта, тадбиркорлик таваккалчиликка асосланади. Бошида 5-6 ойгача фойда кўрмаслик мумкин. Ишонинг йўлга тушиб кетгандан сўнг даромад олишни бошлайсиз. Бизда ҳам шундай, ҳозирги пайтда маҳсулотларимизга харидорлар кўпаймоқда.

Егуч устачилиги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий касбларнинг бири. Бугун тўртқўлликлар Мамотсалей Шариповни моҳир уста сифатида яхши танишад.

— Устачилик ота-боболаримиздан мерос, авлодимиз ушбу касбни давом эттириб келаётганига салкам 200 йил бўлди, — дейди М.Шарипов. — Бу касбни 6-7-синфликимдан ўргана бошлаганман. Олдинлар фақат эшик ишлаб чиқарар эдик, ҳозир уй-рўзгор учун мебель ҳам тайёрляймиз. Бунга қўшимча равишда ёғочдан зиналар ишлашни йўлга қўйдик. Даромадимиз меҳнатига яраша. Имон қадар юрдушларимиздан келган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилаймиз. Касбим орақсидан 4 фарзандимни ўқитдим, барчаси олий маълумотли. Умуман олганда, ҳаётимдан розиман, касбимдан бахт топганман.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ

Кейинги йилларда барча соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларнинг илмий асослари таъминланиши самарадорлик учун муҳим мезон бўлмоқда. Зеро, илм-фан жамият тарақиёти ва фаровонлигининг асосий омилдир. Ўзбекистон заминига етишиб чиққан улғу алломалар, буюк мутафаккирларнинг бутун жаҳон илм-фани, маърифати, маданияти, ижтимоий-иқтисодий тарақиётига қўшган улкан ҳиссаси Биринчи ва Иккинчи Шарқ Ренессанси номи билан тарихга кирган. Бугунги кунда олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш Учтинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида давлатнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасига биноан, инсон “илмий тараққиётда қатнашиш ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлиш...”, “ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки бадий асарлар юзасидан маънавий ва моддий манфаатлари химоя қилиниши ҳуқуқига эга”лиги илмий тадқиқотларга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланишига халқаро ҳуқуқий асос яратади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддасига мувофиқ, давлатлар “илмий-тадқиқот ва илмий фаолият учун зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиши” шартлиги тўғрисидаги норма эса Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси билан белги-ланган қондаларга мажбурий тус берди.

ЮНЕСКОнинг фан ва илмий тадқиқотчилар тўғрисидаги 2017 йилги тавсиясида илм-фан жаamiaт манфаатларига хизмат қилиши ва глобал муаммоларни бартараф этиши учун зарурлиги эътироф этилган.

Шунингдек, 10 ноябрь — Умумжаҳон фан кўни, деб эълон қилинган бўлиб, 2002 йилдан бошлаб ҳар йили шу кўни фан, илмий тадқиқотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликнинг тарақиётига бағишлаб бутун дунёда турли тадбирлар ўтказилиши қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси 2020 йилда қабул қилган фан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид 25-сонли умумий тартибдаги мулоҳазасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш эркинлиги ва ҳуқуқини ҳурмат қилиш ҳамда ундан фойдаланишга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай камситиш шакллари бартараф этиш назарда тутилган.

Янги Ўзбекистонда билимга ва инновацияларга асосланган ижтимоий-иқтисодий тарақиёт босқичига ўтиш жараёнини амалга оширишда асосий эътибор интеллектуал капиталга, унинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларини шакллантириш, илм-фан билан шуғулланиш ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқ қолган ҳолда, инсоннинг илмий тадқиқот эркинлиги ва ҳуқуқлари тўла таъминланишига қаратилган ислохотлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Биринчидан, тобора глобаллашаётган дунёда Ўзбекистоннинг инсон қадрли улуғланидиган мамлакат сифатида ўз ўрнига эга бўлиши, ислохотлар марказига инсон қадр-қиммати қўйилиши илмий тадқиқотларга бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар қафолатлари кучайишини ҳам таъминламоқда.

Иккинчидан, референдум асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямада инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган нормалар ҳамж ва мазмуни бўйича кенгайтирилди. Жумладан, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Учинчидан, илмий тадқиқотга бўлган ҳуқуқни таъминлашнинг қонунчилик асослари кучайтирилди. “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа 20 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, қабул қилинган дастурий ҳужжатларда, жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистон тарақиёт

стратегиясида илмий тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тўртинчидан, илмий тадқиқотларга бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг институционал асослари ривожлантирилди. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун мақсадли ва тизимлаштирилган меҳанизм шаклланди. Бунда Фанлар академияси, инновацияларни ривожлантириш, олий таълим тизими соҳасидаги модернизация муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро илм-фан марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Бешинчидан, илмий фаолият билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ҳамда мустақил тадқиқотчилар фаолиятини моддий рағбатлантириш бўйича иккунин натижаларга эришилди.

Олтинчидан, илмий фаолият билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш, илмий фаолиятни яқка тартибда ёки жамоавий асосда олиб бориш, бажарган ишнинг даражаси ва сифатига кўра, моддий рағбат олиш, илмий лойиҳалар бўйича танловларда иштирок этиш, илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш каби ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан илм-фан соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим қадам қўйилди. Хусусан, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижаларини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш белгиланди.

Фундаментал тадқиқотларни замон талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар билан бойитиш, уларни амалга ошириш учун 3 триллион сўм маблағ ажратили, 8 та етакчи хорижий илмий мактаблар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши вазифаси қўйилди.

“Корхона — олийгоҳ — илмий ташкилот” кластер тизимини жорий этиш орқали иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кучайтириш, бунинг учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ йўналтириш, натижада 850 турдаги инновацион маҳсулотлар ишлаб

чиқариш, 2,5 мингдан зиёд янги илмий ишланмалар яратиш назарда тутилмоқда.

Ёш тадқиқотчиларнинг илмий изла-нишларини қўллаб-қувватлаш, илмий ташкилот ходимлари иш ҳақини ўрта-ча 2 баробарга ошириш, қолаверса, илмий, амалий, инновацион ва стартап лойиҳалар йиллик танловлари, стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мақсадли докторантура квоталари сонини кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳия-тини ошириш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион фаолият, интеллектуал ўйинлар ҳамда чет тилларни ўрганиш-га жалб этиш орқали камида 2 миллион йилит-қизнинг иқтидорини ривожланти-риш, ҳар йили 500 истеъодли ёш хори-жийнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юбориш режалаштирилмоқда.

Барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаб-бусларни қўллаб-қувватлаш, Ўзбеки-стоннинг Глобал инновацион ин-дексадаги Top-50 талик мамлакатлар рўйхатига киришини таъминлаш, ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини 2 минг нафарга етказиш, ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида ярати-ладиган янги инновацион ишланмал-лар сонини 2 баробарга ошириш вазиф-аси белгиланмоқда.

Давлатимиз томонидан илм-фанны қўллаб-қувватлашга қаратилган маз-кур чора-тадбирлар фақат бугунги кун учун эмас, балки кейинги ўн йилликлар учун жамият равангига ва фаровонлиги пойдеворини қуришга хизмат қилади. Миллий фаннинг жаҳон фанига қўши-лиши, Ўзбекистон олимларининг мар-каз таълим, илм-фан ва инновацион мар-казлари билан фаол ҳамкорлик қилиши, оламшумул кашфиёт ва иختироларни амалга оширишга ҳисса қўшиши ва бу ишларда эркин бўлиши янги Ўзбеки-стон тарақиётини ҳаракатга келтирувчи куч бўла олади.

Ўткирбек ОЧИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

НУҚТАИ НАЗАР

РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИК ҲАЁТИМИЗНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН?

Илгари XXI асрда дунёни рақамлар бошқаради, дейишса, эртақдек туюларди. Бугун эса бу оддий тушунчага айланди. Шу асосда аҳоли рақамли дунёдан эркин фойдалана оялтими ёки йўқми, деган савол туғилади.



Гулбахор САИДГАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Рақамли саводхонликни ошириш ва технологиялардан фойдаланиш кўник-маларини шакллантириш замонавий дунёнинг асосий талаб ва мезонларига айланди. Бунга айрим далиллар келтирсак. Хусусан, баъзи тадқиқотларга кўра, жорий йилнинг январь ойи ҳола-тида мамлакатимизда 26,74 миллион интернет фойдаланувчиси, 5,35 миллион ижтимоий тармоқ фойдаланувчи-си мавжуд бўлиб, бу умумий интернет фойдаланувчиларнинг 20 фоизини ташкил этади.

Фойдаланувчилар сони умумий аҳо-ли сонига нисбатан деярли 75 фоизни ташкил қилса-да, ижтимоий тармоқлар-дан истеъмолчиларнинг қариб 15 фоиз-и фойдалана олмай, холос.

Шу жиҳатдан аҳолининг рақамли саводхонлиги ва ахборот маданияти-ни ривожлантириш масаласи, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мақсад-ларда мамлакатимизнинг барча туман (шаҳар)ларида рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилди.

Айни чоғда республика бўйича 205 та рақамли технологиялар ўқув марказида

400 га яқин янги иш ўрни яратилган. Уларда 2022 йилда жами 144 мингдан ортиқ тингловчи, жумладан, 29 минг давлат ходими ва 115 минг ёшнинг ма-лакаси оширилди. Жорий йилда ушбу марказларда жами 180 минг йилит-қиз ва ходим IT йўналиши бўйича ўқитилиши режалаштирилмоқда.

Охирги пайтларда интернетдан фой-даланиш кенгайтириш баробарида қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Онлайн фирибгарлик, ўғрилик, шан-таж ва бошқа жиноятлар учмоқда.

Рақамли саводхонлик даражаси паст-лиги учун айрим инсонлар уларнинг тўрига илиниб қоляпти.

Шуларга назарда тутиб, таълим ташкилотлари, ОАВ ва бошқа ресурс-лар орқали рақамли майдонда кузати-лаётган кибержиноятларнинг олдини олиш ва сақланиш мақсадида медиа-саводхонлик дарслари ва ахборот маъ-лумотлари ташкиллаштирилган. Ушбу тадбирлар натижасида аҳоли ора-сида рақамли шахсий маълумотлар-ни учинчи шахсларга бермасликдан

тортиб, фишинг ва бошқа кибержиноят-ларнинг олдини олишга қаратилган за-рурий кўникмалар шакллантирилмоқда.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стра-тегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам аҳолининг рақамли саводхон-лигини юксалтиришдан иборат. Чунки аҳолининг баъзи қатламлари рақамли дунёда замонавий онлайн хизматлар-дан фойдаланиши билмагани учун кўп манфаатлардан бебахра қолмоқда.

Эндиликда давлат таълим тарихининг катта қисми маҳаллалардан туриб он-лайн курсатилиши кўза тутилди. Бу бўйича вазифалар стратегиялар, давлат дастурларида белгилаб қўйилди ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ёшлар орасида рақамли саводхон-ликни тарғиб этиш ҳамда компьютер дастурлаш ва IT соҳани ривожланти-риш мақсадида “Бир миллион дастур-чи” лойиҳаси жорий қилинди. Ушбу лойиҳа доирасида ёшларга дастурлаш тиллари ўргатилмоқда.

2019-2022 йилларда “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳаси доирасида рақамлаштириш бўйича бошлангич билимга эга бўлиб, сертификатларни қўлга киритганлар сони 1 миллиондан ор-тиқ ташкил этди. Лойиҳанинг кейинги мантқий босқичини амалга ошириш мақсадида uzbekcoders платформаси орқали “Courseera” онлайн курсларида ёшлар учун таълим олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, 2023-2024 йилларда платформанинг барча контентларидан фойдаланиш имкониятини берувчи проф-ессионал курслар учун лицензиялар олинди. 2023-2025 йиллар давомида 1,2 миллион йилит-қиз 8 та йўналиши бўй-ича онлайн курсларда ўқитилди.

66 2019-2022 ЙИЛЛАРДА “БИР МИЛЛИОН ЎЗБЕК ДАСТУРЧИСИ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БОШЛАНГИЧ БИЛИМГА ЭГА БЎЛИБ, СЕРТИФИКАТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНЛАР Сони 1 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ЛОЙИҲАНИНГ КЕЙИНГИ МАНТҚИЙ БОСҚИЧНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА UZBEKCODERS ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ “COURSEERA” ОНЛАЙН КУРСЛАРИДА ЁШЛАР УЧУН ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЖИПСЛАШАЁТГАН МИЛЛАТ ВА ИЖТИМОЙ МАСЪУЛЛИК



Abduxalil MAVRUNOV, тарих фанлари доктори, профессор

Бошлангичи 1-бетада

Бундан бари оддий сўзлар эмас. Ҳар бир сўзнинг остида бутун жамият, барча фуқароларнинг мамлакат ва миллат олдидидаги масъулияти турибди.

Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар бугун кечаётган ихлоқотлар туфайли янада мустаҳкамланиб бормоқда. Янгидан-янги ғоялар, бундан 6-7 йил илгари ҳаёлимизга ҳам келмаган туб ўзгаришлар жамият ҳаётини мутлақо ўзгартириб юбормоқда. Шунинг учун халқимизнинг аксарияти давлат ва у юрיתהётган сиёсатдан қониқиб хосил қилмоқда.

Янги жамиятни барпо этишнинг ҳуқуқий базиси яратилди. Давлатнинг халқ билан барча соҳалардаги муносабатларида очкилик, эркинлик, манфаатлар мувозанатини сақлаш, халқ манфаатлари рўёби учун масъуллиқ ҳиссига устуворлик бериш, инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларига амал қилиш ҳар бир фуқаронинг ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Миллат жипслашмоқда.

Мухими, давлат ва халқ манфаатлари рўёбида узвий муштараклик пайдо бўлмоқда. Давлат халқ манфаати, соғлом эҳтиёжларини таъминлашда масъуллигини ҳис таётганини ҳар қадамда сездиримоқда. Халқ эса бу жараённинг нафақат кузатувчиси, фаол иштирокчиси ҳам айланади. Биз кутган энг катта ютуқ ҳам ана шунда.

Яқинда Патрик Жозеф Бьюкененнинг "Ғарбинг ўлими" асарини ўқидим. Унда ҳар биримизни баҳса қорлайдиган, адолат юзасидан билдирилган, баъзан эса муаллифнинг субъектив фикрлари жуда кўп. Унинг бугун бутун дунёни титратаётган умумбашарий муаммолар, оммавий ахлоқсизлик, кадриятлар барбод бўлиб бораётгани ҳақидаги мулоҳазалари ҳеч кимни бефариқ қолдирмайди, деган ҳулосага келдим.

Халқи таъқидланганича, бугун Ғарб тамаддуни янги мингйиллик бошига келиб тарихий ривожланишнинг ғоят зиддиятли ва мураккаб босқичини босиб кетяётгани, азалий кадриятлар ўрнини фақат шахсий манфаат, айшу ишрат, ҳузур-ҳаловат майлларига йўрилган "янги ахлоқ ва эътиқод" эгаллаётгани, ахлоқий кадриятлар ҳуқуқий мейёрлар билан амаллаштирилгани, бир сўз билан айтганда, Ғарб тамаддунининг демографик, миллий-этноик ҳамда маънавий асослари емирлаётгани, ҳатто АҚШда кудратли давлат ҳам давр таҳдидларига дод бера олмаётгани яқоқ кўзга ташланмоқда.

Патрик Жозеф Бьюкенен таъкидига, Ғарб давлатлари тараққийлатини белгилаб бераётган либерализм таълимоти замон талабларидан орта қолмоқда. Ғарбона индивидуализмнинг таъсирида жамоавий масъуллиқ барҳам топяпти, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маданий табақаланиш хатарли тус оляпти, эркинлик масъуллиқсизликка, плюрализм эса турли халқаро кадриятлар қоршилувиға олиб келяпти. Бир сўз билан айтганда, бугун Ғарб дунёси боши берк кучга кириб қолмоқда.

Ана шундай ҳавф-хатарлар бугун дарвозамиз эшигини ҳам қоқиб турибди. Бундай хатарли вазиятдан қийин, миллий софлигимизни сақлаб қолишнинг иложи йўққа ўхшаб кўринади. Бироқ бугун қўл қовуштириб ўтириладиган замон эмас.

Шиддатли бошланган ва давом этаётган бугунги мафқуравий курашда ғолиб бўлишнинг ўзи бўлмайдик. Бунинг учун, энг аввало, жамият аъзолари тафаккур тарзини ислоҳ этиш, уларда дунёда рўй

бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш кўникмасини ҳосил қилиш, сиёсий маданиятни ошириш лозим, деб ўйлаймиз.

Хўш, бу ишлардан қўзланган асосий мақсад нимадан иборат бўлиши керак? Бош мақсад миллат жипслигини таъминлаш бўлиши шарт. Миллат жипслигини эса ижтимоий масъулликсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу — аксиома.

"Ўзбек тилининг изоҳли лўғати"да "жипслик" сўзи "зичлик", "бир-бирига яқинлик", "бирдамлик" маъноларини билдириши айтилади. Умуман, "жипшлашмоқ", "жипслик" сўзлари "бирлашмоқ", "аҳил бўлмоқ", "бир жон, бир тан бўлиб бирлашган", "бирдам", "ёнма-ён" тушунчаларини беради. "Ижтимоийлашмоқ" сўзи "умумлашмоқ", "жамиятнинг жамоатчилигининг эҳтиёжлари учун ихтиёрий (эвасиз) хизмат этиш", "жамият билан боғланганлик" маъноларини беради. "Масъуллик" эса онгли интизом, умумий иш учун масъуллик ҳисси, ҳисоб бериш дегани.

Миллат жипслашмоқда, деган сўз замирида катта ҳақиқат бор. Негаки, авваллари фуқароларимиз катта-катта ижтимоий-сиёсий тадбирларда кузатувчи сифатида қатнашган бўлса, бугун ўша тадбирларнинг бевосита, фаол

“МИЛЛАТ ЖИПСЛИГИ ЖУДА КЎП ОМИЛЛАРГА БОҒЛИҚ, ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ҒОВИЙИ-МАФҚУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ҚАЙ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИШИ, БУНДА ИНСОН ЭҲТИЁЖЛАРИ ҚОНДИРИЛИШИДАН ТО МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ҲОЛАТЛАР, ШУБҲАСИЗ, МИЛЛИЙ БИРЛИК, МИЛЛИЙ ЖИПСЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАЪСИРЧАН ФАОЛИЯТДИР.

иштирокчиларига айланади. Бундай ҳол янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини, давлат аҳамиятига эга йирик дастурлар, жумладан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини муҳокама ва қабул қилиш жараёнида яққол кўринади.

Бироқ назаримизда, хали бу борада қиладиган анча ишларимиз бор. Доим ўйлаймиз: қани энди одамларимиз ишда ҳам узини тўйда, футболда, турли байрамларда қатнашгандек сафарбар эта ола. Шу ўринда бугун бизга бедорлик ва оғошлиқ етишмаётганга ўхшайди.

Бедорлик ташвишли ҳолатга тушиш эмас. Бедорлик ҳар биримизнинг бугунга белгиланган вазифамизни бажара олмамлигини туфайли ўзимиздан қониқмаслик ҳолатига тушушимиздир. Аслида, ҳар қандай инсон бугунги кундан тўлиқ қониқиб хосил қилиши унинг тараққийдан тўхтаган палласи, дейиш мумкин.

Жамият тараққийти, шахс баркамоллиги тўхтовсиз ўсиб боруви эҳтиёжлар туфайли содир бўлади. Агар биз доимий ўсиб боруви эҳтиёж, хоҳиш, истак-майларимиз, айни пайтдаги ҳаракатимиз даражасидаги мутаносибликни таъминлай олмасак, қўзлаган олиқ мақсадларимизга эришимиз қийин бўлаверади.

Ана шу мутаносиблик ҳар биримизда бедорлик кайфиятини уйғотди, бизни ғарбатдан қутқаради. Ғарбатдаги одамдан ҳавф қутуш мумкин. Чунки у қилинча жамиятдан ажралиб қолади. Унинг ижтимоий фаоллик даражаси жуда паст бўлади, янгиликка ва шунинг асосида ўзининг ўзгаришига бефарқ одамдир. Демак, ҳар биримизда ғарбатдан қутулиш бедорлик кайфиятига тушишимиздаги илк қадамдир. Шу маънода бедорликни миллатни жипслаштирувчи куч сифатида талқин қилса бўлади.

Миллат жипслигини таъминлашга ёрдам берувчи омиллардан яна бири барчамиз учун сув ва ҳаво каби керак бўладиган хайрихоҳлик масаласидир. "Менга нима", "Бунинг менга алоқаси йўқ" қабилидаги фикрлар билан миллат жипслигини таъминлаб бўлмайди. Ўзбек халқида "Бир ёқадан бош чиқариб", деган ажойиб хитоб бор. Қадриятлар емирлиб, ахлоқсизлик аломатлари тобора кўپайиб, айримларда жамият ва миллат олдидидаги масъуллик ҳисси камайиб бораётган бугунги кунда, назаримизда, бир-биримизга нисбатан хайрихоҳлик муҳитини яратиш миллий жипсликни таъминловчи муҳим омилга айланмоқда.

Хайрихоҳлик одамлар ўртасида бир-бирига меҳр-оқибатни оширувида,



қиладиган ватанпарварларимиз кўплигидан хурсанд бўлдиқ.

Ишбилармон ва тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва имконият яратиб берилган бир пайтда юртимизда кундан-кунга қўзғайётган бойларимизнинг Ватан тараққийти, маърифийлик жамиятни барпо этиш йўлида фидойилик, жасорат кўрсатиши оммавий тус олишини жуда истардиқ.

Юқорида қайд этганимиздек, дунё ахлоқсизликлар, ғовийи-мафқуравий таҳдидлар исканжасида тобора бўғилиб бормоқда. Ахлоқсизликларнинг турли кўринишлари ниш ураётган ва катта моддий фойда келтираётган турил ресторан тўйхоналар кураётган, уларнинг сафини кўпайтиришга миллиардлаб пул сарфлаётган тадбир-

қиладиган ватанпарварларимиз кўплигидан хурсанд бўлдиқ.

Ишбилармон ва тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва имконият яратиб берилган бир пайтда юртимизда кундан-кунга қўзғайётган бойларимизнинг Ватан тараққийти, маърифийлик жамиятни барпо этиш йўлида фидойилик, жасорат кўрсатиши оммавий тус олишини жуда истардиқ.

Юқорида қайд этганимиздек, дунё ахлоқсизликлар, ғовийи-мафқуравий таҳдидлар исканжасида тобора бўғилиб бормоқда. Ахлоқсизликларнинг турли кўринишлари ниш ураётган ва катта моддий фойда келтираётган турил ресторан тўйхоналар кураётган, уларнинг сафини кўпайтиришга миллиардлаб пул сарфлаётган тадбир-



корларимиз сармояларининг муайян қисминни кутубхона, китоб дўкони, турли зибхоналар барпо этишга ажратаётгани ҳақидаги маълумотларнинг кундан-кунга, йилдан-йилга кўпайиб боришини кўриш оддий меҳнаткаш ватандошларимиз озу-истаклари эмасми?

Бу билан биз фарзандларимиз келажакини уйлаган, истиқболли йўлида фидойилик қилган бўламиз. Ахир биз олдимизга улкан вазифалар, истиқболли режалар қўйганмиз. Учунчи Ренессанснинг барпо этиш оддий иш эмас. Уни ҳақиқий ватанпарварларга қура олади. Саводхона ва авом халқ билан мамлакат ва миллат равнақиға эришиш мумкин эмас.

Қолаверса, миллий жипслик кучли ватанпарварликни тақозо этади. Том маънодаги ватанпарварлик инсон, айникса, ёшлар онгу шуурига табиий эҳтиёж сифатида синдирилиши лозим. "Ватанин севаман", "Ватан менин юрагимда" каби сўзлар керак. Аммо уллар реал кучга айланмас экан, қуруқ шиор бўлиб қолаверади.

Ҳақиқий ватанпарвар том маънода миллий гурур эгаси. У ҳеч қачон юрти, миллати манфаатларини арзон хоҳиш-истакларига алмашмайди. Унинг учун ватан қуради. Ҳар бир саъй-ҳаракати ана шу муқаддас тўйғулар рўёби учун сарфланади. Шу маънода миллатни жипслаштириш сўзда эмас, амалдаги ватанпарварликда аксини топади.

Миллат жипслиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ғовийи-мафқуравий жараёнлар қай тарзда амалга ошиши, бунда инсон эҳтиёжлари қондирилишидан то манфаатлари ҳимоя қилинишигача бўлган барча ҳолатлар, шубҳасиз, миллий бирлик, миллий жипсликни таъминловчи таъсирчан фаолиятдир.

Шу омиллал сирасида ижтимоий масъуллик масаласи борки, жамият ва давлат тақдирини, келажакда мавқудлиги ўша ижтимоий ҳодисага бевосита боғлиқ. Унутмаслик лозимки, ҳар бир киши ўзи учун муҳим бирор кўрсаткичга эришиш йўлида ҳаракат қилиш усулини танлашда эркин эканига қарамай, шахсий ҳаёти бутун жамият ҳаёти, бошқалар олдидидаги масъуллик ҳисси билан узвий боғлиқдир.

Дарҳақиқат шундай. Чунки биз очик, демократик, дунёвий давлат барпо этмоқдамиз. Давлатнинг ўз халқи олдидида яширадиган ҳеч нарсаси йўқ. Халқ фаровонлиги, тинчлиги ва хотиржамлиги, келажакда амалга ошириладиган барча ишлар уларнинг ўзи билан бамаслаҳат бажарилмоқда. Шундай экан, сиёсат, иқтисодидиёт, ижтимоий соҳалардаги очкилик фуқароларнинг, бир томондан, жамият ва давлат олдидидаги масъуллигини, бўлак тарафдан, раҳбариятнинг инсонлар олдидидаги жавобгарлигини янада оширмоқда.

Аслида, ижтимоий масъуллик инсоннинг маънавий ҳулқи билан боғлиқ ҳолатдир. Бошқачорек айтганда, ижтимоий масъуллик ҳар биримиздан талаб этиладиган маънавий бурч ва унга содиқликдир. Маънавий бурч ахлоқимиз, тарбиямиз, тафаккур тарзимиз, қарашларимизнинг реал ҳаётда амалга ошишидир.

Маънавий бурч шахсини баъзан ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин. Ҳақиқатан, инсон табиатан доимо барча нарсалар, олдидида турган муаммоларни ҳеч қандай қийинчилиқсиз, жонига жабр қилмасдан ҳал қилишга мойил. У дунё лаззатларига эга бўлишни истаيدди.

Шу ўринда буюк мутафаккиримиз Ал-Фароҳи Абу Лаис Ас-Самарқандийнинг қўйидаги фикрларидан иқтибос келтиришни лозим топдиқ: "Ҳар қандай жамиятда инсоннинг енгил ҳаёт йўлидаги ҳаракати улумолардаги тама, камбағаллардаги ҳирс, таниқли одамларда ҳаёнинг олзғини, қарилар ўзларини ёшлардек тутиши, эркекларнинг аёлларга ва аёлларнинг эркекларга ўхшаши, зоҳидларнинг дунё аҳли эшиқларига келиши, бандалардаги жоҳиллик туфайли юзага келади".

Аммо реал дунёнинг ўз қонун-қоидалари бор. Дунё фақат лаззату енгил ҳаётдан иборат эмас. Ижтимоий масъуллик, юқорида айтганимиздек, маънавий бурч билан уйғунлашганлигига аниқ натижасини кўрсатиши мумкин. Ҳўш, инсонда маънавий бурч қачон ва қай тарзда шаклланади?

Бу жуда қийин жараён. Маънавий бурч, аввало, оила, жамият томонидан қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида шаклланади. Бироқ бу энг асосийси эмас. Энг муҳими, инсон маънавий бурчинини жамиятга содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини шакллантириш асосида сезади ва амал қилади.

Демак, маънавий бурч ижтимоий масъулликнинг рационал қаймоғи. Ҳар бир шахс ўз маънавий бурчинини англамас экан, уни ижтимоийлаштириш ва бу жараёнда мазкур индивиднинг масъуллигини оширишининг ҳеч иложи йўқ. Бунинг учун инсон дунёга адолат назари билан қаралиш лозим. Чунки бугун дунё бошқача жилоланяпти. Ғовийи-мафқуравий таҳдид ахлоқсизликлар уммонига айланиб бораётган дунёни маънавий масъуллик чигиригидан ўтказмасдан таҳлил қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, хатога йўл қўйган бўлаверамиз.

Қолаверса, барибир миллатни жипслаштирадиган, ҳар биримизда ижтимоий масъуллик ҳиссини уйғотадиган бир куч борки, унинг тўғрисида бугун баралла айтмаслик мумкин эмас. Бу — кучли маънавият.

Аслида, маънавият ўзини ўзи қучайтиришга имкони бор камдан-кам феномен ҳодисадир. Унинг ички қуввати бор. Бу қувват ҳар бир халқнинг тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари, миллатнинг тафаккур тарзи, менталитетига аксини топади.

Бироқ бугунги кунга келиб, жамиятнинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда, одамлар маънавий оламини шакллантиришда энг муҳим ролни дунё йўналиши лозим бўлган маънавиятнинг ўзи эътиборга муҳтожлиги сезилиб қоляпти. Бунда ҳажоний глобаллашу жараёнининг таъсири, айникса, кучли бўлмоқда. Глобаллашу, шубҳасиз, ижобий жиҳатлари билан бирга дунё халқларининг ўзлигини сақлаб қолиш жараёнлариға жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бу жараён ёшларда ватанпарварлик тўйғусини емиришда, ғайриахлоқий тамойиллар уричишига, эътиқод, анъаналарни дунё халқларини ижтимоий онгидан ўчириб ташлашда асосий куч бўлмоқда. Афсуски, унинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилмоқда.

Шу масаллага диққат қаратган атоқли адиб Чингиз Айтматов бундай дейди: "Айни чоғда миллий ахлоқ-одоб, кўнлик, стратегик идеалларга мутлақо ёт бўлган ва ҳар қуни муваффақиятли равишда тарғиб қилинган "бозор маърифати", "янги турмуш тарзи", афсуски, одамлар онига синедириляпти. Шундай кунларга ҳам етиб келдиқ. Яна бундан беш батлар бўлади. Бу ҳам аниқ ҳақиқат. Масалан, мутажаҳсиллар ўтказган тажрибаларда исботландики, ҳатто кўгирчоқ қурол-ярочқи ўйнаб вояга етган болакайнинг руҳий олами жанжалқилиш, жиззалқилиш, тажовузорлик жиҳатлари билан яққол ажралиб туради экан. Ўзимиз биллиб-билмасдан болакайларимиз ёшлик чоғидан эўравонликка иштиёқ руҳига эйиллаёляпти".

Шу ўринда яна бир жуда зарур масала ҳусусида фикрлашишни лозим топдиқ. Кейинги пайтларда "маънавият бизга нима учун керак", деган гаплар кўпайиб бормоқда. Ўзини демократ деб, "креатив" фикрловчи сифатида бировларга кўрсатиши яхши кўрадиган айрим кимсалар томонидан тарқатилган шунга ўхшаш гаплар аслида миллат жипслигини бузишга қаратилган амал эканини халқимиз аллақачонлар биллиб булган.

Шунинг учун биз бугун маънавият ва ахлоқ ҳусусидаги, уларнинг миллат ва жамият тараққийтини таъминловчи куч экани билан боғлиқ фикрлар бутун жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг мустаҳкам эътиқодиға айланишини истар эдик. Ана шу гоёнинг рўёби, фикримизча, жамиятда ижтимоий масъуллик туфайлигина амалга ошиши мумкин.

Ижтимоий масъуллик бугун Ўзбекистон жамиятини янада барқарорлаштиришнинг ўта зарур омилға айланиб бормоқда. Ижтимоий масъуллик деганда шахс худ-аъвори, ахлоқий фазилатлари устидан ижтимоий назоратни амалга оширишни тушуниш тўғри бўларди. Масъуллик инсонда ўз-ўзидан пайдо бўладиган сифат эмас. Масъуллик, айникса, ижтимоий масъуллик ҳар биримиздан юксак маданият, маънавият, билим, сиёсий саводхонликни талаб қилади.

Ижтимоий масъуллик ҳисси йўқ шахслар одатда турли физик фасод, гийбатга ўч бўлади. Уларни қўпинча соғлом фикр, жамиятдаги реал ҳолатлар эмас, аксинча, ёлғона йўғрилган субъектив хулосалар бошқаради. Бундайларда одатда жамиятдан норозилик, ўзлари таҳлил қила олмайдиған нарсалардан сохта хулосалар чиқариш ва уларни жамоат фикри тарзида тарқатиш илنجи кўп бўлади.

Шунинг учун биз маънавият, ижтимоий ахлоқ, уларнинг шахс, жамият, давлат ва миллат тараққийти учун ўта зарур феномен ҳодисалар экани тўғрисида яқдил келишувага эришсак, ана шунда олдимизга қўйган қийин, аммо миллий тақдиримизга дахлдор барча вазифаларни уздалий олардик. Бундай яқдиллик аслида миллатни жипслаштирадиган, бунинг учун барчада ижтимоий масъуллик ҳиссини шакллантирадиган ҳодисадир.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Санжар ШОҚҶЧОРОВ, Тошкент давлат техника университети доценти, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 11 сентябрь куни Президентимиз фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси келгуси етти йилликда ушбу йўналишда ҳам аниқ мақсадларни қамраб олган салмоқли дастурий ҳужжат бўлди. Унда сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Қуёш нури қудрати

Қайта тикланувчи энергия турлари ичида қуёш энергияси Ўзбекистон минтақасида жуда қулай, унинг ялли салоҳияти 98,6 фоизни ташкил этади. Айтиш керакки, бу энергиядан унумли фойдаланиш бизга бегона эмас. Чунки узок туманларимизда ханузгача қуёшдан мева-сабзавот, ем-хашак қуритиш, сув иситиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиб келинади.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг техник салоҳияти 180 миллион тонна нефть эквивалентини ташкил этиб, йиллик энергия ресурсларига талабдан уч марта ортқидир.

Қуёш энергияси қайта тикланувчи энергетиканинг энг истиқболли ҳисобланади. Яримўтказгичли ўзгаришчан орқали қуёш нурларининг тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириш бугун тобора омалашмоқда. Иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли турар жойларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш борасида қатор устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йилда илк бор Навоий вилояти Кармана туманида 100 мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

2020 йилда фаолиятини бошлаган "Қамаши олтин бошоқ" агрокластери шу пайтгача фақатгина ғалла етиштириш билан шугулланиб келарди. Яқинда эса янги лойиҳа доирасида Қамаши кичик саноат зонасида ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Умумий қиймати 11 миллиард сўмлик лойиҳа туфайли 50 кишининг бандлиги таъминланди.

— Туркия технологияси асосида завод барпо этилди, — дейди "Қамаши олтин бошоқ" агрокластери раҳбари Валижон Раҳимов. — Ҳозир кунига 60 тоннадан ортқ ун ишлаб чиқарилмоқда. Авваллари фақатгина ғалла экиб, 11 минг тоннадан ортқ ҳосилни бозорга етказиб берадик. Бугун эса ун ишлаб чиқарилди. 400 дан ортқ фермер билан фьючерс шартномалар тузганмиз. Етарли миқдорда бугдой жамғардик. Аини пайтда нафақат Қамаши, балки қўшни Ғузор, Шаҳрисабз, Яқкабоғ туманлари бозорларини ҳам ун билан таъминлаётимиз. Ҳозир яна бир лойиҳа — нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш цехини ишга тушириш ҳаракатидаммиз. 2024 йилда бу режамиз амалга ошиб, 30 га яқин янги

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ НЕЧОҒЛИҚ ЗАРУР?

Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги "Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони доирасида 2023 йилда мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун вазирилик ва идоралар кесимидаги объектларда энергия сарфи ҳажмида муқобил энергия манбалари улушини 30 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги қароридан илҳомланган ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида, иқтисодий тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг миқёсда жорий этиш, энергия самарадор технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичларини ошириш орқали энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, соҳада инвесторлар, тадбиркорларга қулай шароит ва имкониятлар яратиш ҳамда рағбатлантириш механизмларини жорий этиш белгилаб берилди. 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш натижасида қўшимча 5 миллиард килловат-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш вазифаси қўйилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида умумий қуввати 100 килловатгача бўлган энергетик қурилмалар ўрнатилган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қуввати нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга ага электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса, ўн йил муддатга овоз этилиши белгиланди.

Аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВтгача) қуёш панеллари ўрнатишни рағбатлантириш бўйича "Қуёшли хонадон" дастури йўлга қўйилди. Дастур доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилаётган қуёш фотоэлектрик станцияларида ишлаб чиқариладиган ва ўз истеъмолидан ортқирга ягона электр энергияга тизимга узатиладиган электр энергиясининг ҳар бир килловат-соатига давлат бюджетидан минг сўмдан субсидия ажратилиши белгиланди.

Ҳозир жаҳоннинг етакчи компаниялари Ўзбекистоннинг "яшил" энергетика бозорига катта қизиқиш билан қарамоқда. Бу, асосан, юртимизда қуёш энергияси



дан фойдаланиш имконияти юқори экани ҳамда инвесторларга қулай шароит яратилгани, уларнинг ҳуқуқлари муҳофазаланганини аниқлатади. Қайта тикланувчи энергетика соҳасига хорижий тадбиркорлар кириб келиши соҳада рақобат муҳитини юзага келтиради. Бу эса қайта тикланувчи энергия манбаларига доир қурилма, станция ва бултовчи жиҳозлар арзонлашувига олиб келади. Хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш имкониятини оширади.

"Яшил" энергетика учун кадрлар зарур

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилли бўлган энергетика тизимини модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, энергия ҳосил қилишнинг муқобил манбаларидан кенгроқ фойдаланиш бора-борида илҳом қилишда давр билан ҳамнафас ҳолда билимли мутахассислар тайёрлаш зарурати юзага келади.

Шу боис, жумладан, Тошкент давлат техника университетида ҳам 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб муқобил энергия манбалари кафедраси ташкил этилиб, кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир ушбу йўналишда 300 дан ортқ талаба тахсил олмоқда. Қайта тикланувчи энергетика соҳасида 20 дан ортқ таянч докторант, мустақил ишланувчи ва ёш олим мавжуд муаммолар устида илмий ишланушлар олиб бормоқда.

Бугунги кунда университетда мавжуд қуёш фотоэлектрик станциялари ва замонавий қўриқларида жиҳозланган электр ускуналари текшириш ва назорат қилишни инновацион бошқариш лабораторияси талабалар назарий билимининг амалиёт билан узвийлигини таъминлашда қўл келаяпти. АҚШнинг Делавэр университети билан ҳамкорликда водород энергетикаси ва технологиялари магистратура мутахассислигини амалиётга татбиқ этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Академик алмашинуви таъминлаш мақсадида муқобил энергия манбалари мутахассислигида тахсил олувчи 2 талаба БААнинг Халифа университети ва Қозон давлат энергетика университетига юборилди.

Шунингдек, муқобил ва қайта тикланувчи энергетика соҳасида ЎзФА Физика-техника институти, Энергетика вазирилик

хузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти, Томск политехника университети,



Қозоғистон-Германия университети, Форобий номдаги Қозоғистон миллий университети сингари олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, олимлари билан тажриба алмашилмоқда.

Аҳоли учун афзалликлари нимада?

Фотоэлектр станциялар одамларга қандай наф беради? Унинг қандай турларини танлаган маъқул? Булар бугун кўпчиликини қизиқтирадиган саволлар. Уларга жавоб топиш учун қуйидагича ҳисоблаш кетма-кетлигига эътибор қаратиш лозим. Аввало, фотоэлектр модуллар, инвертор, контроллер ва аккумулятор ҳамда станциянинг бошқа ёрдамчи қурилмалари керак бўлади. Бунда поликристалл ёки монокристалл кремнийли фотоэлектрик модулни танлаш муҳим.

Иккинчидан, уйдаги соатлик ишлатиладиган электр энергияси сарфидан келиб чиқиб, инвертор ва контроллер танлашни керак.

Учинчидан, автоном ишлайдиган ва тунги пайтда ҳам электр энергияси олувчи ва, албатта, фотоэлектрик модуллар қувватидан келиб чиқиб аккумулятор танлаш керак. Чунки бунда электр таъминоти узлуксиз бўлади. "On grid" фотоэлектр станциясида локал тармоқда ток бўлмаганда станция ҳам тўхтаб туради,

тармоққа электр энергияси узатилмайди. Электр энергиясида тез-тез узалишлар бўлаётган ҳудудлар учун автоном "off grid" станциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Уртача ҳисобда 5 киши истиқомат қиладиган ва маиший техника воситалари (1 дона телевизор, 1 дона музлаткич, 1 дона кондиционер ва 5 дона led лампочка ва бошқа) мавжуд оилага қуввати 5 килловатли фотоэлектр станция етарли бўлади. Аини пайтда 1 килловатт қувватдаги фотоэлектр станция нархи 12-14 миллион сўм атрофида баҳоланмоқда. Бу оддий оилалар учун арзон эмас, албатта. Нарҳлар ўзгариши Ўзбекистон энергетика бозорига уларни ишлаб чиқарувчилар кўпайишига боғлиқ.

Уларнинг ички бозордаги нархини ҳисобга олиб, аҳолига бир қанча қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда. Масалан, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб уйдан чиқмаган ҳолда қуёш, шамол энергетик қурилмаларини онлайн харид қилиш имконияти яратилди. Бунинг учун

сининг ортан қисми ҳудудий электр тармоқлари корхонасига сотилганда сўнг у 8 йилда узини қоплайди, кейинги 12 йил давомида соф даромад келтиради. Бунда даромад солиғи олинмайди, аксинча, қурилмаларни ўрнатган жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мулк солиғидан озод бўлади.

Мамлакатимизда урбанизация даражаси ортиб бормоқда. Тежаллаётган табиий газ бевосита аҳоли, кўп қаватли уйлارга етказиб берилади. Марказлаштирилган иссиқлик марказлари ўтган аср технологияси экани, уларнинг фойдали иш самарадорлиги қамийиб бораётганини инобатга олсак, бу жуда муҳим. Ваҳоланки, айрим давлатларда иссиқлик марказлаштирилган ҳолда берилмайди. Масалан, ҳар бир буюк британиялик ўз хонадонидан муқобил иситиш ва иссиқлик таъминотида фойдаланади. Исроилнинг қўлаб шаҳарларида ўтган асрнинг охиридаёқ иссиқ сув таъминоти учун кўп қаватли биноларнинг томи қуёш сув иситиш коллекторлари билан жиҳозланган. Энергия тежамкорлик ва энергия менежменти уларнинг қундалик ҳаёт тарзи сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистонда аҳоли сони кескин ошиб бориши ҳамда иқтисодий тармоқлари ривожланиб, турмуш даражаси яхшиллангани сари электр энергиясига талаб ҳам ошиб бормоқда. Сунги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоиз, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоиз ошган. Бу кўрсаткич йилга 6 фоиздан ўсиб бормоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида кузатилаётган ривожланиш суръатлари, энг аввало, электр энергиясига эҳтиёжнинг ҳам ўсишига олиб келмоқда.

Фотоэлектрик қурилмалар, станциялар ва қуёш сув иситиш коллекторларининг қишлоқ ҳудудларда қўлланиш тармоқлари кўп. Айтилик, уларни озик-овқат маҳсулотларини сақлаш, парранда ва чорва фермаларида микроклимат яратиш, қудуқлардан сув чиқариш, экин суғориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фермаларда сут иситиш, асал ажратиш дастхоналарини ишлатиш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолиси турмуш шaroитини яхшилашда қуёш энергияси ҳисобига электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш долзарб ҳамда зарурият саналади.

Юртимизда "яшил" энергия ва "яшил" иқтисодий технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали иқтисодийнинг энергия сарфи ва ҳавога чиқариладиган зарарли газ ҳажмини қисқартириш чоралари қўриляпти.

Илмий-тадқиқот институтилари ҳамда соҳадаги етакчи мутахассислар олиб борган ишланушлар натижасида ташкилотлар иссиқлик таъминоти тизимларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва қуёш коллекторлари)ни қўлаш орқали қазилма ёқилги ресурсларининг 80 фоиздан кўпрогини қоплаш имконияти мавжудлиги исботланган. Қоплаверса, жамоат транспортларида электр токида ишлайдиган автобуслар сонини кўпайтиришга эътибор қаратилаётгани, умуман, барча соҳа ва тармоққа муқобил энергия изчил кириб бораётгани катта ўзгаришлар бўлаётгани, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш нечоғлиқ муҳим ва унга бошқичма-бошқич ўтиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Кичик саноат зоналари:

"ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДА КЎРЯПМИЗ"

иш ўрни яратилади. Асосий мақсадимиз эса "Даладан дастурхонгача" тамойили асосида ишлаш. Истиқболли режамизда экспорт ҳам бор. Келгуси йилдан хорижлик ҳамкорлар билан шартномалар тузиб, маҳсулот сотишни бошлаймиз.

Асқар Тошов ҳам иқтисодий зонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иш ўрни яратётган тадбиркорлардан бири. 2018 йил оддий устачилиқдан "Асқар Тошов металл гулсаф" МЧЖ ташкил этган корхонада аини пайтда

30 га яқин кишининг бандлигини таъминлаган.

Автомобиль ўриндиғи ғилофи тикиш ҳамда энгил машиналар томига ўрнатиладиган панжарали юкхона тайёрлашни йўлга қўйган Асқар ака бугун вилоятда ўз йўналишининг етакчиларидан бири.

— Йилига икки минг дона ғилоф тўлами тикамиз, — дейди Асқар Тошов. — Минг дона юкхона тайёрлаб, савдога чиқарамиз.

Корхонанинг металлга ишлов бериш цехида бугун 10 нафар ёш меҳнат қилмоқда. — Мактабни битиргач, бирор жойда ишлаб, оиламга фойдадан тегишини истагандим. Аммо иш топилавермади, — дейди металлга ишлов бериш цехи устаси Отабек Қурбонов. — Маҳалламиздаги ёшлар етакчисига мурожаат қилдим. Рўйхатга қўйиб, бир оз кутишимни айтиди. Кўп ўтмай, бу ерда иш бошладим. Олти ойдан бери ишляяман. Уч миллион сўмга яқин маош оламан. Шароитлари яхши, металлга шакл беришни ҳам яхши ўрганиб олдим. Жамиятнинг тикув цехида ҳам бугун йигирмага яқин хотин-қиз ғилоф тикиши



билан машғул. Бу ерда ҳам, асосан, ижтимоий дафтарларда рўйхатга турган аҳоли вакиллари бандлигини таъминлашига эътибор қаратилган. Жумладан, Дилафрўз Назарова бир муддат ишсизлиги сабаб тумандаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аёллар дафтари"га рўйхатга олинган. Кичик иқтисодий саноат зонасида корхона очилиши туфайли Дилафрўз маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан ишга жойлаштирилди.

— Тикувчиликка болалигимдан қизиқшим бор эди, — дейди Д.Назарова. — Шу боис, бу хунарни яхши ўзлаштириб олганман. Ишга тақлиф этишганда ҳам ҳеч иккиланмасиз келдим. Теъдда иш

ўрганиб, цех жамоасига ёрдамчи тега бошлади. Шунинг ортидан турмушимиз яхшиланимоқда. Ўз меҳнатим билан турмуш ўртоғимга кўмак бераётганимдан хурсандман.

Кичик саноат зонасидаги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда тадбиркор Асқар Тошов ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтириш истаганда. Унинг айтишича, биргина солиқ имтиёзларининг ўзидан тадбиркор йилга олти миллион сўм тежаб қолмоқда. Бу маблағ звазига эса янги йўналишлар очмоқчи.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ИЛМ-ФАН

МИЛЛИЙ РАДОНОМЕТРДАН ҚУЁШ КОМПЛЕКСИГАЧА

80 ЙИЛЛИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САМАРАСИ

Жорий йил Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Физика-техника институтининг 80 йиллик юбилейи нишонланмоқда. Иккиси ҳам 1943 йилда ташкил этилган. Институт фаолиятининг турли даврида бир неча илмий йўналишлар равақ топди ҳамда Фанлар академиясининг табиий фанлар саҳифаларидан ўрин олди. Хусусан, физикавий электроника, ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, космик нурлар физикаси, гелиотехника ва юқори ҳароратда материалшунослик йўналишларида илк тадқиқотлар ўтказилди.

билан аҳамиятли бўлди. Конференция ядро ва элементар заррачалар физикаси, яримўтказгичлар ва қаттиқ жисмлар физикаси, қайта тикланувчи энергия манбалари, материалшунослик ва уларнинг қўланиши йўналишларини қамраб олди. Конференцияга Хитой, Россия, АҚШ, Қозғистон, Туркия, Беларус, Тожикистон, Покистон, Канада ва Руминиядан олимларнинг 70 га яқин илмий мақола-ласи келиб тушди. Тадбир доирасида Физика-техника институти ҳамда Покистоннинг Ваҳ, Канаданинг Торонто мет-

ҳамда ўта ўтказувчан материаллар синтези бўйича фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни ҳамкорликда бажаришга келишиб олинди. Физика-техника институти илмий ходим ва докторантлари тўрт асосий илмий йўналишда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб боради. Булар назарий физика, юқори энергиялар физикаси, яримўтказгичлар физикаси ҳамда қуёш энергиясини ўзгартириш йўналишларидир. Назарий физика йўналишида институт олимлари конденсацияланган модда



Хусниддин ОЛИМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор

Физика-техника институти илмий йўналиш ҳамда бўлимлари асосида 1956 йилда Ядро физикаси институти, 1967 йилда Электроника институти (ҳозирги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти) ҳамда 1987 йилда "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган. 1993 йилда Физика-техника институтининг бир қатор лабораториялари ва Катта қуёш печи билан боғлиқ тажрибавий ишлаб чиқариши негизда Материалшунослик институти очилди. 2013 йилда қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида мутахассислар тўплаган тажрибалар асосида институт ҳудудида Халқаро қуёш энергияси институти фаолияти йўлга қўйилди.



рополитан университетлари ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Замонавий физиканинг долзарб йўналишларидаги энг охириги фундаментал ва амалий натижалари маҳаллий ҳамда чет эллик олимлар муҳокама марказида бўлди. Ядро физикаси ва ядро энергетикаси, водород энергетикаси, қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергетик қурилмалар, яримўтказгичли қуёш элементлари ва турли яримўтказгичли датчиклар

ва оптик тизимлардаги чизикли бўлмаган тўлқин ҳодисаларини тадқиқ этиб, чизиксиз ва тартибсиз материаллардаги структуралар динамикаси ҳамда барқарорлигини таҳлил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқади. Юқори энергиялар физикаси йўналишида эса юқори ва ўта юқори энергияда заррача ва ядролар ўзаро таъсирининг асосий қонуниятлари ўрганилади ҳамда юқори энергияли марказий ядро-ядро тўқнашувида ҳосил бўлган ўта зич



материя хоссалари тадқиқ қилинмоқда. Ярим ўтказгичли материал ва тизимлардаги физик жараён яримўтказгичлар физикаси соҳасида тадқиқ қилинади. Бу йўналишда самарали фотоэлектрик технологиялар, фотодетекторлар ва бошқа юқори сезгир сенсорлар яратиш устида ишлар қилинапти. Қуёш энергиясини тўғридан-тўғри, термодинамик ва термал ўзгартиришнинг физик тамойиллари ўрганилиб, юқори самарали энергетик қурилмаларни яратиш устида ишланаётир.

Институтида пилот қуёш энергетик қурилмалари ва фотовольтаик энергия тизимларини ишлаб чиқиш намуналари жойлашган ноёб полигон мавжуд. Институтининг илмий-тадқиқот ишлари 7 та илмий лабораторияда бажарилади. Муассаса олимлари Россия, АҚШ, Германия, Хитой, Қозғистон, Япония, Италия, Беларус, Болгария, Тожикистон, Озарбайжон, Туркия илмий муассасалари ҳамда университетлари олимлари билан физиканинг замонавий долзарб мавзуларида илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Олимларнинг фундаментал натижалари ҳар йили жаҳоннинг нуфузли илмий журналларида чоп этилмоқда. Шунингдек, ҳар йили яратилган янги ишланма ва услублар учун ўрта ҳисобда 20 дан ортққ фойдали модель ҳамда ихтиро патентига эга бўляпти. Фундаментал натижалардан ташқари, институт олимларининг ишланма ва қурилмалари халқ ҳўжалиги ҳамда иқтисодиёт тармоқларига кенг жўри қилинмоқда.

Охириги йилларда институтида ҳаво, тўпроқ ҳамда сувда радиоактив радонгази концентратсияси (ҳажмий фаоллигини онлайнд режимда ўлчашга мўлжалланган ўлчов воситаси — радонметр яратилди. 2021 йилда муассаса тарихида илк бор миллий радонометрга Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сертификати олинди. Ҳозиргача институтида 12 та радонметр ишлаб чиқилди. Бир нечаси ЎзФА Сейсмология институтининг сейсмик станцияларида ўрнатиш ҳамда Навоий ва Олмалик тоғ металлургия комбинатларига шахта ҳамда бошқа махсус объектларда радон концентратсиясини назорат қилиш учун етказиб берилди.

Институт олимлари арзон полимер материаллар асосида янги турдаги қуёш сув иситкич коллекторини яратиб, кичик ҳажмда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қуёш сув иситкичлари аҳоли яшаш жойлари, жамоат ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналардаги иссиқ сув таъминоти тизимида иссиқлик манбаи сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган. Йилнинг иссиқ пайтида коллекторнинг қўланиши иссиқ сувга эҳтиёжни қондиришда иссиқлик энергиясини 80 фоизгача тежаш имконини беради. Бундан ташқари, институтида икки режимда ишловчи қуёш коллекторини яратди. У киши мавсумида иссиқлик режимда қуёш энергиясини мўлжалланган. Ёзги мавсумда эса кишлоқ ҳўжалиги махсусотларини қуриштиришга хизмат қилади. Фермер ҳўжалиларида ушбу қурилманинг ишлатилиши кишлоқ ҳўжалиги махсусотларини қайта

ишлаш ва сақлаш сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Физика-техника институтида марказлашган электр тармоқларидан узоқда жойлашган фермер ҳўжалиқлари, хусусий корхона ва аҳоли учун қуввати 40 ваттдан 4 киловаттгача бўлган стационар ҳамда мобил фотоэлектрик қурилмалар (ФЭҚ) ишлаб чиқарилиб, ҳўжалиқ шартномаси асосида буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Фотоэлектрик қурилмалар ёрдамида олинган электр қуввати ернинг чуқур сатҳидан сув чиқариш, чорва ва ерни суғориш, майдонларни ёритиш ҳамда маиший техникани ишлаштириш учун қўлланилмоқда. Қолвераса, сув иситишда ҳам фойдаланиляпти.

Олимпларимиз кам энергия истеъмол қилувчи янги турдаги кремнийли диод термодатчиклар ҳам яратди. Ҳозир янги турдаги ушбу кремнийли диод термодатчикларни "ФОТОН" акциядорлик жамиятида синовдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда.

Уттан йили "InnoWeek-2022" халқаро инновацион ғоялар ҳафталигида Физика-техника институти "Энг яхши ихтиро қилинган техника лойиҳаси" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Бунга муассасанинг қуёш ва иссиқлик энергетик қурилмалари лабораторияси олимлари ишлаб чиққан, катта қуёш печида термокиёмвий усулда қуёш энергияси ёрдамида водород ёниғисини олишга мўлжалланган реакторнинг тажрибавий нусخаси сабаб бўлди.

Жорий йилнинг сентябрида институти миз Йирик халқаро BM@N (Нуклотрондаги барийон материяси) коллаборациясига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. У Россия билан ядро тадқиқотлари институтининг йирик "NICA-Нуклотрон" тезлаткич мажмуасида бошланган илк экспериментдан қўланган асосий мақсад тезлатилган релятивистик оғир ионларнинг нишон ядролари билан тўқнашувида ҳосил бўлган зич барийон материянинг хоссаларини ўрганишидир. BM@N халқаро коллаборациясига жаҳоннинг 5 давлатдан 13 илмий ташкилот ҳамда университетлар аъзо. Ўзбекистонлик олимларнинг бундай нуфузли ва йирик халқаро экспериментларда иштироки жаҳонда юртимиз илм-фани нуфузини янада кўтариш ҳамда ёш олим ва докторантларимизнинг ўз тадқиқот йўналишида илгор, замонавий билим, кўнжика ва тажрибага эга бўлишига хизмат қилади.

ЯШИЛ МАКОН

КЎЧАТ ШУНЧАКИ УНИБ КЕТАВЕРМАЙДИ

Бунда тупроқ таркиби ҳам катта аҳамиятга эга



Яшин СУЯРОВ, Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази" ДУК мутахассиси

Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт ҳудудини оладиган бўлсак, у ерлар, асосан, сур тусли кўнғир тупроқдан иборат. Худуддаги ўсимликлар ҳам ўзи ўсадиган янтоқ, саксовул кабилардир. Оролбўйи минтақасига эса саксовулларни экиш лозим.

Хоразм вилоятида ўтлоқи тупроқлар тарқалган бўлиб, бу ерларга туронги, терак, тол, қайрағоч, жийда, тут каби дарахт кўчатларини экиш тавсия этилади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам мана шундай ўтлоқи тупроқлар мавжуд, шу сабаб бу худудларда ҳам ўша кўчатларни экиш мумкин.

Сурхондарё ва Қашқадарёда унумдор тоғ олди ва оч тусли бўз тупроқлар мавжуд бўлиб, афсуски, бу ерларга экин экилганда сувсизлик туфайли унинг кейинчалик гуркираб кетиши бир оз қийин кечади. Бу эса тупроқдаги намлик бўлганиб кетишига олиб келади. Тошкент шаҳри ва вилоятида тоғ зонасига тегишли бўлган оч тусли бўз, жигарранг

тупроқ кенг тарқалган. Бу худудларда меваги дарахтлардан ташқари чинор, арча, каштан, павлония каби манзарали кўчатларни экиш ҳам тавсия этилади.

Шуни қайд этиш жоизки, битта худудда фақат бир турдаги тупроқ тарқалган, дейиш нотўғри. Ўша худуддаги ўзгаришлар, иқлим шароити у ердаги тупроқ таркиби, хусусиятини ҳам ўзгартириб юборади. Шу боис, худудларга кўчат экиш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш ва фақат ўша тупроққа хос кўчатларни экиш мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбари видеоселекторда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кўчат экишдан олдин, аввало, ўша ердаги тупроқнинг лаборатория таҳлилининг ўтказиш лозимлигини таъкидлади. Шу маънода, кўчат экилаётганда дастлаб худуднинг иқлим шароити ва у ердаги ташкилий ишларга қаралади. Қуз фаслида кўчат экиш ҳазонрезидан кейин, октябрь-ноябрь ойларида бошланиб, то қишгача давом этади.

Лекин яна қайтариш керакки, экилган кўчатлар тутиб, дарахтларга айланиши, мамлакатимизни ҳақиқий "Яшил макон"га айлантириши учун улар экиладиган худудларда тупроқ таҳлилининг ўтказиш ўта муҳим ҳисобланади. Сабаби, нафақат кўчатлар, балки кишлоқ ҳўжалигидаги ҳар бир экин ўзига мос, соғлом тупроққа экилиши лозим. Бу унинг илдиз тутиб кетиши

66 ШУНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖОИЗКИ, БИТТА ХУДУДДА ФАҚАТ БИР ТУРДАГИ ТУПРОҚ ТАРҚАЛГАН, ДЕЙИШ НОТЎҒРИ. ЎША ХУДУДДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ИҚЛИМ ШАРОИТИ У ЕРДАГИ ТУПРОҚ ТАРКИБИ, ХУСУСИЯТИНИ ҲАМ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРАДИ. ШУ БОИС, ХУДУДЛАРГА КЎЧАТ ЭКИШ УЧУН ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА ФАҚАТ ЎША ТУПРОҚҚА ХОС КЎЧАТЛАРНИ ЭКИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ.



унумдорлиги ошишига хизмат қилади. Агар мана шу қурғоқчилик туфайли барглар тушиши камайса, тупроқда намлик камаяди, унумдорлиги пасаяди. Тупроқдаги намликни сақлаб туриш учун унда гумус, озуқа элементлари етарли бўлиши керак. Бу эса тупроқда ғовақлар қўлаиши ва унинг сингдириш сифими кенгайишига олиб келади.

Тупроқ намлигини сақлаб қолишда кишлоқ ҳўжалиги учун самарали, деб баҳоланаётган томчилатиб, ёмғирлатиб суғоришининг ҳам афзаллиги катта. Чунки бу усуллар орқали суғориш, аввало, сувнинг исроф бўлмаслигини, ўсимликнинг қониб сув ичишини, умри узайишини таъминлайди. Тупроқ чириндиши ёки ташминли экинлар ундаги намликни сақлаб туришга ёрдам беради. Агар дарахтларга ариқлардан сув берадиган бўлсак, бунда нафақат ушбу неъматнинг исрофгарчилиги йўл қўямиз, шу билан бирга ортиқча намлик ўсимлик илдизини чиритишга ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам ўсимликнинг суғоришга доимо мезёр-га амал қилиш тавсия этилади.

Корхонамиз лабораторияси энг сўнги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда тупроқнинг механик таркибини аниқлаш, шўрлангиш даражаси ва типини, унинг таркибидидаги чиринди, сингдирувчанлик, намлик даражаси, умумий азот, фосфор ва калий, ҳаракатчан фосфор, калий, нитрат шаклидаги азот, тупроқ муҳити, гипс, карбонатлар, оғир металлар, микроэлементлар таҳлиллари ўтказилади.

Бошланғич 1-бета

Ота-боболаримиз кўчат эк, боғ ярат, деб бежизга айтмади. Зотан, кўчат экилган, йиллар ўтиб, у асим дарахтга айланади, чиройли манзара яратибгина қолмай, табиатнинг мусофоллиги, юртимиз ободлигига ҳисса қўшади. Албатта, лойиҳа доирасида ҳар бир худудга мос кўчатлар экилади. Аммо ана шу кўчатлар келгусида қуриб қолмаслиги учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энг аввало, улар экиладиган жойларнинг тупроқ таҳлилининг ўтказиш ва худудларга мос дарахтлар экиш мақсадга мувофиқ. Кўчат экишда бунинг аҳамияти катта.



Мамлакатимиз бўйлаб географик кенглик бўйича тупроқлар турли типларда тарқалган. Чўл зонаси ҳисобланган

ва келгусида ривожланиб, яхши ҳосил бериши учун зарур. Соғлом тупроқ — мейвчан турдаги тупроқнинг табиий ёки тартибга солинадиган экотизим доирасида фаолият кўрсата олиш қобилияти бўлиб, озуқа элементлари, сув, углерод, газсимон моддалар доирасий айланиши, шунингдек, инсон саломатлиги ва унинг истиқомат худудлари саломатлигини қўллаб-қувватлашига кўмаклашади.

Тупроқда асосий озуқа элементлари бўлади. Носоғлом тупроқ таҳлилининг ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай жойларда тупроқ таҳлилининг ўтказиш, ернинг 2 метргача бўлган жойига тоза тупроқ солиниб, кейин кўчат экишга мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни ҳам айтиш мумкинки, айрим ерларда 40-50 сантиметр чуқурликдан кейин шўх, гипс, арзик, қум қатламлари учради ва булар ҳам ўсимлик ўсишига тўсқинлик қилади.

Ҳозир бутун дунёни экологик вазият ёмонлашуви, қурғоқчилик каби муаммолар уйлантирмоқда. Мазкур муаммолар тупроқ таркиби, унинг соғломлик хусусиятига ҳам таъсир қилади. Табиат қанчалик яшилганиб, ўсимликлар дунёсига кенгайса, бу тупроққа органик моддалар тушиши ва намлик сақланишига хизмат қилади. Ҳаттоки, ўша дарахтларнинг тагида тушадиган барги ҳам тупроқ

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

“ЭЛАМҚУШАР” — ИККИ ЭЛНИ БОҒЛАГУВЧИ КЎПРИК

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 октябрдаги тегишли фармойишига асосан, шу йилнинг 28 октябрь-1 ноябрь кунлари мамлакатимизда “Туркманистон маданият кунлари” тадбирларини юқори даражада ўтказиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Туркманистон делегациясининг ташрифи ва буюк туркман шоири Махтумқули таваллудининг 300 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

— Маданий-маърифий анжуманлар қардош халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамжихатликнинг асоси бўлиб келган, — деди Туркманистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шодурди Мередов. — Бугунги тадбир учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигини билдираман. 2024 йилда Туркманистонда Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланади.

Этиборли томони, кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат янгича руҳда ривожланиб



— Азалдан туркман шоирлари Ҳазрат Навоийни, ўзбек шоирлари эса Махтумқулини устозим дея улуғлаб, қадрлаб келади, — дейди танили шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек. — Айниқса, мустақиллик йилларида Махтумқули шеърларининг янги таржималари пайдо бўлди. Шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад улуғ туркман шоирининг етимишга яқин шеърини ўзбек тилига таржима қилиб, 1995 йили “Сайланма” номи билан нашр эттирди. Тошхонлиқ Олим Тўраев қардош халқ сўз санъаткорининг

қирқ бешта янги шеърини ўзбекчалаштириб, “Ёр, жамолинг кўргали” номи остида эълон қилди. Камина эса Махтумқулининг 170 та, асосан, илгари ҳукмрон мафкура йўл қўймаган диний-тасаввуфий мазмундаги шеърларини таржима қилиб, чоп эттиришга муваффақ бўлдим.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида турли нашрларда Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Охунжон Сафаров, Носир Муҳаммад, Абдунаби Ҳамро каби шоирларнинг ҳам Махтумқули шеърларидан қилган таржималари эълон қилинди.

— Махтумқулининг отаси, шоир Озодийнинг ғазалларини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида кўнглим шунчалар завқландики, туркий халқларнинг тил бойлиги ва тенгсиз гўзаллигига яна бир бор таҳсин ўқидим, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим. — Қаранг, туркман тилида камалак сўзини “эламқушар” деб аташар экан. Бу сўз икки оламни бирлаштирувчи деган маънони билдиради. Мен ижод ахлини “эламқушарлар” дея атагим келади. Чунки уларнинг асарлари икки эл қалбини бирлаштиришда жуда катта маънавий кўприк вазифасини ўтайди.



“Махтумқули илҳом чашмаси” деган монографиялари нашр қилинган. Мазкур монографиялар Туркманистонда ҳам туркман тилида нашр этилган. 2014 йили Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг фармонида кўра, дадам Қаримбой Қуронбоев Махтумқули Фирорий номидаги олин медаль билан тақдирланди.

2022 йилда чоп этилган “Туркий адабиёт намуналари” 100 жиллик асарлар мажмуасининг 9 та жилди туркман адабиётига акратилган бўлиб, унда туркман мумтоз адабиётининг то бугунги кунда ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ўзбек тилида берилган. Қардошларимиз туркман мумтоз адабиёти вақиларидан Муллонафас, Байрамхон, Заилий, Камина, туркман замонавий адабиёти намуналаридан Анна Қовусов, Қора Сейтли, Қайом Тангриқулиев, Берди Қербобоев, Омонгузал Шоқулиева, Ота Қовшутув, Хидир Деряев, Қилич Қулиев, Ораз Ямгурларнинг асарлари мазкур адабий жамланмага киритилганидан жуда мамнун эканликларини айтиб ўтишди.

Ўзбек — туркман адабий алоқаларининг бугунги кунда ҳам бир қанча аҳамиятли воқеаларни кўрсатиш мумкин.

2017 йил 19 майда Тошкентда туркман шоири Махтумқулининг ҳайкал-барельефи очилди ва шу кўчага номи берилди. 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга сафари муносабати билан Ашхободадаги марказий кўчалардан бирига Алишер Навоий номи берилиб, Илҳом хиёбониде мутафаккир бобомиз ҳайкали ўрнатилган.

— Дадам филология фанлари доктори Қаримбой Қуронбоев салкам эллик йил Махтумқули ижодини ўрганди, — дейди филология фанлари доктори Гуландом Қуронбоева. — Туркман шоирлари ва ёзувчилари уйимизда тез-тез меҳмон бўлган. Ижодкорларнинг дўстона муносабатлари эса адабий алоқалар ривожланишига хизмат қилади, аниқ. “Махтумқули Ўзбекистонда” ҳамда

Айни пайтда мамлакатимизда турли миллат вақиллари каби туркман диаспораси ҳам яшаб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимиз мактабларида туркман тилида ҳам сабоқлар ўтилади. Туё тантаналаримизда Махтумқули сўзлари билан қуйланувчи кўшиқлар юртдошларимизга ёд бўлиб кетгани рост. Анжуманга туркман баҳисси Мардонали Байрамов қўлида тори билан қилиб келганида иштирокчилар дилга яқин мисраларни жўр бўлиб қуйлади.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Учрашувда Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев, Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шодурди Мередов, Ўзбекистонда хизмат қўсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек, Туркманистон Маданият вазирлигининг ижодкорлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, шоир Оқмурод Режепов, Республика туркман маданият маркази раҳбари Гулдона Авазурдиевалар икки қардош халқнинг маданияти, дини, тили қанчалар уйғун ва мўъжаз тарихга эга эканини таъкидлашди.

бормоқда. Бу каби адабий анжуманлар тинч ва фаровон ҳаётимизни, дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак. Ойбекнинг “Навоий”, Асқад Муҳторнинг “Опа-сингиллар”, Шароф Рашидовнинг “Бўрондан кучли” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалар” қиссаси, шунингдек, Зулфия, Ғафур Ғулум, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов ва бошқа адибу шоирларимиз асарлари туркман тилига таржима қилинган.



ФЕСТИВАЛЬ

НАМАНГАН — АСАЛ ЕТИШТИРУВЧИЛАР МАНЗИЛИГА АЙЛАНМОҚДА

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги машҳур “Афсоналар водийси” боғида республикамиз ҳамда Қирғизистон, Қозоғистон ва Россияда асаларичилик билан шуғулланадиган 200 га яқин тадбиркор ва мутахассис халқаро асал фестивалига жамланди. Соҳага оид хунармандчилик бўяқлари тайёрлаш, шунингдек, прополис, гул чанги, нектар, перга хусусида қизиқарли ва фойдали маълумотлар билан ўртоқлашишди. Тадбирга 15 минг киши ташриф буюрди.

Қайд этиш жоизки, Наманган асалари экспорти бўйича мамлакатимизда етакчи ўринда туради. Йилига республика ҳудудидан экспорт қилинадиган асалари пакетларининг 70 фоизи ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда 251 минг 275 та асалари оиласи парваришланмоқда. Улар сони кейинги тўрт йилда икки баробарга кўпайиб, асал етиштириш ҳажми йилига 10-12 фоиздан ошиб бори. Жорий йил якунига қадар 5 минг 617 тонна асал етиштириш кутилмоқда. Асалари пакетлари экспорти ҳам уч баробарга ошди.

Давлатобод туманида асаларичиликка ихтисослаштирилган Гулобод маҳалласи ҳудудида “Асаларичилик саноат зонаси” маркази фаолият қўсатмоқда. Маҳалланинг Файзобод кўчасидаги 30 та хонадон шу юмш билан банд. Мақсад — арготуризмни ривожлантириш, соҳада ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш.

— Наманган шаҳридаги Президент мактабиде бизнес ва иқтисод фанидан дарс бераман, — дейди биз билан суҳбатда кенялик ўқитувчи Девид Мутига. — Халқаро асал фестивалида қатнашдим,

таассуротларим зўр. Халқингиз меҳмондўст, мулоқотга тез киришувчан экан. Табиий асаллар маззасига гап йўқ, қўриниши ва тури ранг-баранг. Опамнинг кичик асалхонаси бор. Бизда бунақа маҳсулс кўргазма ва байрам ўтказилмайди. Сизлардаги “асал” сўзи бизда “асали” дейилади, битта ҳарфга фарқланаркан. Шаҳрингиз менга ёқди. Узим фаолият юритаётган Президент мактабиде ўқувчилар шароитига ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистонда сифатли таълимга кенг имконият яратилибди.

Буюк табиб Ибн Сино минг йил илгари асалнинг шифобахшлигини ўрганиб, қимматли тавсияларни қайд этиб ўтган. Хусусан, асалнинг кишиларни тинчлантирувчи хусусиятга эгалигини, жумладан, руҳий безовталик ва шамоллашга фойдасини, болалар таботабати ва санитария-гигиенасида тутган ўрнига доир маслаҳатларни ёзиб қолдирган.

Илмий тадқиқотларга кўра, асал таркибининг 75 фоизи мева ширинлиги,



ечимлари, соҳада кластер ташкил этиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва уни экспорт қилишда имтиёзлар юзасидан тақлифлар ва лойиҳалар муҳокамасига бағишланган семинар ўзига хос мулоқот майдони вазифасини бажарди.

Уч кунлик фестиваль давомида халқимизнинг саҳий ва меҳр-мурувватли эканлиги исботи ўлароқ, “Имконияти чекланган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга асал улашамиз!” акцияси орқали 1 тонна асал бепул тарқатилди. Шунингдек, бежирим идишларга қадоқланган турфа хил асалнинг ҳамёнбоп нарҳда сотуви йўлга қўйилди.

Асал сайлининг маданий-кўнгличлар дастуридан миллий либослар кўргазмаси, оммавий уйинлар, аския кечаси, ошпазлар танлови, таниқли хонанда ва эстрада ижрочиларининг чиқишлари ўрин олди. Экспертлар хулосаси билан етти та номинация бўйича моҳир асал етиштирувчилар номи эълон қилинди. Ғолиблар ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан муносиб тақдирланди.

Орифжон Жўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“УЧ КУНЛИК ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ САҲИЙ ВА МЕҲР-МУРУВВАТЛИ ЭКАНЛИГИ ИСОБИ ТИЛАРҚА, “ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ҲАМДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА АСАЛ УЛАШАМИЗ!” АКЦИЯСИ ОРҚАЛИ 1 ТОННА АСАЛ БЕПУЛ ТАРҚАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, БЕЖИРИМ ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАНГАН ТУРФА ХИЛ АСАЛНИНГ ҲАМЁНБОП НАРҲДА СОТУВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

қолган қисми сув, оқсил, кислоталар, ферментлар ва хушбўй моддалардан иборат. Соф асал жуда шифобахш бўлиб, узоқ йиллар сифати ўзгармайди. Бир килограмм асал 3 минг 150 калория қувватга эга. Бу 30 дон тухум ёки 2,5 килограмм гўштининг қуввати, дегани. Унинг таркибидеги турли витамин ва микро-

элементлар ўпка, буйрак, жигар, юрак ва қон-томир, ошқозон-ичак, марказий асаб тизими, кўз, тери ва турли сурункали хасталикларни даволашда яхши самара беради.

— Халқаро асал фестивали Наманганни дунёга янада танитиш баробарида туризмнинг ўзига хос “таширф

қоғози”га айланиши, шубҳасиз, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Ботирхон Нуриддинов. — Вилоятда асаларичиликни янада ривожлантириш ва асал маҳсулотларини экспорт қилиш ниятида наманганлик ҳамда қирғизистонлик асаларичилар ўртасида “В2В” форматдаги учрашув бўлди. Музокаралар натижасида асаларичилик соҳасида фаолият олиб бораётган маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар, Марказий Осиёдаги асаларичилар ўртасида экспорт шартномалари имзоланди. 2023-2025 йилларни қамраган экспорт портфели салкам 10 миллион долларни ташкил этди. Расмий истиқболли, манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқишда муҳим қадам бўлди. Асал етиштириш бўйича муаммо

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
43312 нуسخада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Ғофсет усуллада босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беқул Эгамқулов
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй